

Молия Бозорининг Ривожланиши: Жорий Ҳолат Ва Таҳлиллар

Маматов Акмалжон Анваржонович¹

Аннотация: Илмий мақолада молия бозорининг иқтисодийда тутган ўрни, халқаро молия бозори унга таъсир этувчи омиллар ва жорий ҳолатлари таҳлил этилган. Хусусан, халқаро молия бозорлари тузилмаси ва иштирокчилари, халқаро молия бозорининг таркибий тузилиши ва унинг шаклланиш босқичлари ёритилган. Шунингдек, дунёнинг етакчи молиявий марказлари хусусида фикрлар баён этилган.

Таянч сўз ва иборалар: молия бозори, инвестиция, молиявий марказлар, иқтисодий, капитал, фонд бозори, қимматли қоғозлар, халқаро молиявий муносабатлар.

Кириш

Жаҳон молия бозори халқаро капитал бозорининг бир қисми бўлиб, турли мамлакатлардаги кредиторлар ва қарз олувчиларнинг капиталга бўлган жами талаб ва таклифини ўзида мужассамлаштиради. Шу ўринда молия бозори ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки молия бозорининг мавжудлигини асосий тамойили иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тушунчаларни моҳиятини олимлар, экспертлар томонидан тортишувлар, илмий-назарий жиҳатдан қарашлар, ўша давр ғоялари билан уйғунлашган, уни бажарадиган функциялари, тамойиллари, ўзига хос хусусиятлари, характерли томонлари, бозор сегментлари орқали ҳамда уларнинг иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар нуқтаи назаридан янада чуқурроқ илмий асослаб бериш такомиллашиб бир тизимга келтирилмоқда, замон талаблари ва фундаментал омилларга мос ҳолда илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ривожлантириб борилмоқда.

Хусусан, молия бозорининг иқтисодий моҳиятини турли даврларда яшаб ўтган иқтисодчи олимлар томонидан турли хил ғоялари орқали назариялар яратилган. Лекин, ҳар бир иқтисодий категориялар доимий равишда замонавий омиллар асосида такомиллашиб боради. Молия бозори ҳам ҳозирги кунда қўшимча тарзда ноанъанавий замонавий янги ва хилма-хил функцияларни бажармоқда. Шу нуқтаи назардан унинг иқтисодий моҳиятини бир нечта иқтисодчи олимларнинг назарий илмий қарашларини, ҳозирги замонавий омилларни ва бошқа ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда чуқурроқ ўрганиб чиқиш мавзунинг долзарблигини билдиради.

Адабиётлар шарҳи

Халқаро молия бозори атамасини муаллифлар бир хилда изоҳламайдилар. Кўпинча ушбу тушунчадан кўпликда: халқаро молия бозорлари кўринишида фойдаланилади. Бундан ташқари, халқаро молия бозорини жаҳон ссуда капитали бозори тушунчасига ўхшатиш учраб туради. Халқаро молия бозори атамасининг турли тарифлардаги қатъий фарқи унинг кенг ёки тор маънодаги изоҳи ҳисобланади. Бунда кенг ёки тор маънодаги изоҳи ҳам турлича тушунилади. Масалан, таниқли олим Л.Н.Красавинанинг қайд этишича, “Халқаро молия бозорлари кенг маънода – мамлакатлар орасида пулли капиталларнинг аккумуляцияси ва қайта тақсимотини таъминловчи бозор муносабатлари соҳасидир. Моҳиятан, бу тушунча халқаро молия битимлари шартларини белгиловчи унинг иштирокчилари манфаатларининг ўзаро таъсирини англатади.

¹ “Агробанк” АТБ HR департаменти бошқарма бошлиғи



Халқаро молия бозори тор маънода фонд бозори, яъни қимматли қоғозлар билан операциялар бозоридир”. Шунингдек, Красавина халқаро молия бозорлари тузилмасини миллий ҳамда халқаро даражадаги иштирокчилар билан ўзаро боғлиқликда тақдим этган (1-жадвал).

1-жадвал. Халқаро молия бозорлари тузилмаси ва иштирокчилари

Миллий иштирокчилар	Бозор тузилмаси	Халқаро иштирокчилар
1	2	3
Корпорациялар	Валюта бозорлари, шу жумладан евровалюта бозори	Халқаро корпорациялар, ТМК
Банклар ва ихтисослашган кредит-молия институтлари, ҳамда суғурта компаниялари	Ссуда капиталлари бозорлари: а) пул бозори; б) капиталлар бозори; с) евробозор	Халқаро банклар, ТМК, ихтисослашган кредит-молия институтлари, ҳамда суғурта компаниялари
Фонд ва товар биржалари	Фонд бозорлари	Йирик фонд ва товар биржалари халқаро валюта кредит ва молия ташкилотлари
	Суғурта бозорлари	
	Олтин бозорлари	

Халқаро молиявий муносабатлар соҳасида таниқли олим Д.М.Михайлов халқаро молия бозорини унда муомалада бўлган воситалар нуқтаи назаридан кўрсатиб ўтади. Бунда унинг фикрича, жаҳон ссуда капитали бозори ва халқаро молия бозори “тушунча нуқтаи назаридан бу тушунчадан кўпроқ амалий фойдаланишда ўхшаш категориялар ҳисобланади”, халқаро молия бозорида эса қарз капитали, қарз воситалари ва ҳосилавий шартномалар савдо объектлари сифатида намоён бўлади.

Молия бозори ва ссуда бозори тушунчаларининг ўхшашлигини бошқа манбаларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, “Молия бозори (ссуда капиталлари бозори) - капиталга талаб ва таклиф асосида капитални воситачилар ёрдамида кредитор ва қарздорлар ўртасида қайта тақсимлаш механизми. У амалиётда пул маблағлари оқимини мулкдорлардан қарздорларга ва аксинча йўналтирувчи кредит-молия институтлари йиғиндисини намоён этади. Молия бозорининг асосий вазифаси ҳарақатиз пул маблағларини ссуда капиталига трансформациясидан таркиб топган” деган тушунчаларни учратиш мумкин.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, В.А.Слепов ва Е.А.Звоновалар халқаро молия бозори таърифида бозорнинг моҳиятини эмас, балки молиявий тизим тушунчасини асос қилиб оладилар: “Халқаро молия бозори – халқаро молиянинг халқаро молия тизимидаги маълум доиралардаги ҳаракати шакли”. Мазкур муаллифларнинг фикрича, халқаро молия бозори тушунчаси халқаро капитал бозорига нисбатан кенгроқ тушунча ҳисобланади, бунда халқаро ва миллий молия бозорлари йиғиндисини тушуниш лозим, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлар, алоҳидалик ва мустақилликка эга. Шундай қилиб, фикримизча, жаҳон капитал бозорлари атамасидан фойдаланиш чекланган кўринишга эга. Бундан ташқари, кредит бозори нима учун қарзга оид қимматли қоғозлар ва банк кредитлари бозоридан иборат бўлиши ноаниқ бўлиб қолмоқда, бунда давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилган кредитлар алоҳида ажратилган. Бир томондан, уларнинг ўзига хослигини фарқлаш учун алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқ, лекин бошқа томондан, улар ҳам кредит бозори категориясига, фақат ушбу муаллиф изоҳи ҳолатида бошқа даражада киради.

Хорижий иқтисодий адабиётларда халқаро молия бозорини турли-туман молиявий воситалар, шу жумладан акция, облигация, валюта, муддатли шартномаларни ҳосил қилувчи ҳамда ўзаро қайта сотувчи харидор ва сотувчиларнинг шартли (ёки реал) учрашув жойи сифатида кенг (хатто кенг прагматик) маънода тушуниш устунлик қилади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Ваҳобов, Н.Жумаев, У.Бурхоновларнинг “Халқаро молия муносабатлар” ўқув қўлланмасида “Халқаро молия бозорлари - мамлакатлар миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи тамойилларига асосланган бўлиб, бу давлатлараро ҳар




томонлама ҳамкорликни бир кўринишдаги халқаро молия бозорлари ва уларнинг фондли кўринишдаги умумжаҳон бозорлар йиғиндисидир ёки давлатларни ягона молия ва кредит сиёсатини амалга оширувчи бозорлар мажмуасидир деб эътироф этишган .

Шунингдек, Ж.Х.Атаниязов, Е.Д.Алимардоновларнинг “Халқаро молия муносабатлари” номли дарслигида халқаро молия бозорини таркиби ва мазкур бозорга чиқиш механизми тўғрисида фикр билдиради. Хусусан, халқаро молия бозори миллий молия бозори ва халқаро молия бозоридан таркиб топганлигини эътироф этади. Муаллифлар, чет эл қимматли қоғозлар яъни мамлакатларда еврооблигацияларни халқаро муомалага чиқариш орқали юзага келаётган бозорлар йиғиндисига асосий эътиборни қаратади .

Таҳлил ва натижалар


Молия бозори ва иқтисодий ўсишни куйидаги мисол орқали кўриб ўтишимиз мумкин. Иқтисодий ўсиш ва инвестициялар яъни молиявий инструмент кўринишини олган инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлик механизми Нобел мукофоти лауреати П.Самуелсон томонидан "акселератор тамойили" кўринишида куйидагича ифодаланган: реал ЯИМ ўсиши реал инвестициялар ўсишига олиб келади, ўз навбатида реал инвестицияларнинг кўтарилиши унга жавобан ЯИМ ўсишига сабаб бўлади. Бу тамойилнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, реал инвестициялар реал капитал (бино ва иншоотлар, машина ва анжомлар) ва ишлаб чиқариш захиралари баҳоси ортишини билдиради. Демак, кўриниб турибдики, молиявий инструментлар (қимматли қоғозлар) ёрдамида реал капиталга қилинган инвестицияларнинг ортиши унинг баҳосини оширади, бу еса мос равишда молиявий инструмент кўринишини олган инвестицияларнинг ўсишига олиб келади, яъни "молиявий инструмент (қимматли қоғоз) ва унинг реал базиси (реал капитал) ўрасидаги эквивалентлилик" тамойилини тўғрилигини ҳамда иқтисодий ўсиш, инвестициялар ва молия бозорининг ўзаро боғлиқлиги исботлайди. Демак молия бозори мамлакат ЯИМ шаклланишини, иқтисодий ўсишнинг таъминланишини ҳаракатга келтирувчи унсур бўлиб хизмат қилади. Дунё молия бозорида мамлакатлар улушининг катталиги давлатнинг иқтисодий кудратини, бошқа мамлакатларга таъсирини кўрсатиб беради. Бугунги кунда дунё молия бозорининг умумий қиймати 109 триллион АҚШ долларидан юқорилиги кўплаб йиллик ҳисоботлар ва мақолаларда қайд этиб ўтилган. Куйида дунё мамлакатларининг жаҳон молия бозоридаги улуши келтирилган (1-расм).

1-расм. Дунё мамлакатларининг жаҳон молия бозоридаги улуши



Ҳозирги кунда кам сонли мамлакатлар ўртасида молия бозорининг салмоқли улуши тақсимланган. Булар ичида энг катталари АҚШ (58%), Япония (6,3%), Буюк Британия (4,1%), Хитой (3,7%), Франция (2,8%), Канада (2,7%) каби дунёнинг энг кудратли мамлакатлари ўрин олган. Дунё молия бозорининг учдан икки қисми аксарият ривожланган мамлакатларга тегишли эканлиги жадвалда акс этган. Жаҳон молия бозорининг асосий сегментларидан бири фонд биржаси ёки қимматли қоғозлар (капитал) бозори ҳисобланади. Статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, 2023 йилда жаҳон фонд бозори капитализацияси 109 триллион АҚШ долларини ташкил қилган. Капитализациянинг асосий қисми Америка Қўшма Штатлари ҳиссасига тўғри келган. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, АҚШ капитализацияси дунёнинг бошқа жами мамлакатлари фонд бозорининг капитализациясига қарийб тенг бўлиб қолган. Шу сабабли таҳлиллар жараёнида кўпроқ АҚШга эътибор берилган. АҚШ капитал бозори дунёдаги энг катта ва тўловлилик ва самарадорлик қобиляти энг юқори бўлган мамлакат ҳисобланади. АҚШ капитал бозори қиймати мамлакат ялпи ички маҳсулотидан қарийб 2 баробар катта - фонд бозори ЯИМнинг 174 фоизини ташкил этади.

2-расм. Жаҳон фонд бозори капитализациясининг 2023 йилда дунё мамлакатларида кесимида улуши.




Жаҳон қимматли қоғозлар бозори капитали 2023 йилда 109 триллион АҚШ долларини ташкил қилган. АҚШнинг ундаги улуши 46,2 триллион долларни ёки жами капиталнинг 42 фоизини ташкил этган. Бу ўзидан кейинги энг йирик бозордан қарийб 3,8 баробар катта демакдир (Европа иттифоқига нисбатан Буюк Британияни ҳисобга олинмаган). Шунингдек, жаҳон фонд бозорининг асосий иштирокчилари қаторига Европа Иттифоқи (11,1%), Хитой (10,6%), Япония (5,4%), Буюк Британия (2,4%), Гонконг (4%), Канада (2,7%), Австралия (1,5%) ва Сингапур (0,6%) ни киритиш мумкин. Ушбу мамлакатлар дунё фонд бозорининг асосий ўйинчилари ҳисобланади.




Сўнгги маълумотларга кўра, дунёда 195 та мамлакат мавжуд бўлиб. Уларнинг 80 га яқини ривожланган мамлакатлар сифатида эътироф этилиши мумкин. Бундан келиб чиқадики қолган 115 мамлакат ривожланаётган ёки турғун (ривожланишдан тўхтаган) мамлакатлар ҳисобланади. Айнан шу мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон дунё фонд бозорининг атиги 11,1 фоизига эгалик қилади. Мисол тариқасида, солиштириш учун юқоридаги ҳолатни эътиборингизга тақдим этмоқчимиз. Агар дунё фонд бозори фақатгина АҚШнинг 42,6 фоизлик улуши ва ривожланаётган мамлакатларнинг 11,1 фоизлик улушидан иборат бўлганда эди, улар ўртасидаги фонд бозори капитализацияси юқоридаги каби тақсимланган бўлар эди. Яъни АҚШ бозорининг 79 фоизига ривожланаётган мамлакатлар 21 фоизига эгалик қилган бўлар эди.

3-расм. Жаҳон фонд бозори капитализацияси фақат АҚШ ва ривожланаётган мамлакатлар мавжуд бўлгандаги тақсимланиш ҳолати.



4-расмда келтирилган диаграммаларда жаҳон молия бозорининг асосий сегментларидан бири ҳисобланган фонд бозори ва доимий даромад бозорларининг молия бозоридаги улуши ҳамда мамлакатлар ўртасида тақсимланиши келтирилган. Фонд бозори 2023 йилда 109 триллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, доимий даромад бозори қиймати 127 триллион долларга тенг бўлган.

4-расм. Мамлакатларнинг жаҳон молия бозори сегментларида улуши (фоизда)



Жаҳон фонд бозори ва доимий даромад бозори бўйича аксарият дунё мамлакатларининг улуши бир бирига тенг. Бироқ бу кўрсаткичлар Европа Иттифоқи ҳамда ривожланаётган мамлакатларда кескин фарқ қилади (4-расм). Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида глобал ва минтақавий молиявий марказлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган, иқтисодий-молиявий, ҳуқуқий- меъёрий механизмлар мажмуи асосида турли маҳаллий ва хорижий молия институтларининг маълум бир жойда моддий-иқтисодий манфаат юзасидан тўпланишини таъминлайди. Натижада мамлакат молия бозоридаги активлар ва кўрсатилувчи хизматлар турини кўпайтиради, инновацион маҳсулотлар билан такомиллашган, иқтисодий мустаҳкам, мураккаб инфратузилмани юзага келтиради. Молиявий институтларнинг бир жойга тўпланиши ёки аккумуляцияси ҳисобига шаклланган молия бозоридаги кучли рақобат улар кўрсатадиган хизматларнинг истеъмолчилар талаби асосида сон ва сифат жиҳатдан ошишига олиб келади.

Жаҳон иқтисодиётида молия секторининг ривожланиш хусусиятларини ўз илмий ишларида тадқиқ етган бир қатор иқтисодчи олимлар глобал, халқаро, минтақавий ва маҳаллий молиявий марказларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилганлар. Л.Н. Красавинанинг фикрича, жаҳон молиявий марказлари бу халқаро молиявий оқимлар ва йирик ҳажмдаги операцияларнинг нисбатан фойдали бўлган соҳалар бўйича тақсимооти натижасида маълум бир жойда тўпланиши, ёки марказлашувини англатади. Тарихан, улар миллий бозорлар негизида, кейинчалик жаҳоннинг валюта, кредит, фонд ва олтин бозорлари асосида пайдо бўлган. Шунинг учун, жаҳон молиявий марказлари таркибида молия бозорининг барча секторлари жойлашган.

А.В. Новиков ва И.Й. Новикова молиявий марказлар тушунчасини аниқлашда уч хил ёндашувга асосланган. Биринчидан, функционал жиҳатдан молиявий марказлар молиявий ва маслаҳат хизматларининг мажмуидир. Иккинчидан, институционал нуқтаи назардан улар молиявий операцияларни амалга оширувчи молиявий институтлар тизими ҳисобланади. Учинчидан, молиявий марказлар геосиёсий жиҳатдан молия бозори иштирокчиларига сифатли хизмат кўрсатиш, молиявий ресурсларни жалб этиш ва қайта тақсимлашга имкон берувчи инфратузилмага эга глобал шаҳарлардир.

Учинчи ёндашув Л.Н.Красавинанинг халқаро молиявий марказлар тўғрисидаги тушунчасини янада аниқлаштиришга имкон беради. В.С. Уткиннинг фикрича, ҳозирги кунда молиявий марказлар халқаро саналиши учун камида қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак. Биринчидан, марказ жойлашган мамлакат иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган бўлиши, унда барқарор валюта асосида доимий иқтисодий ўсиш таъминланиши ва самарали молиявий сиёсат юритилиши лозим. Иккинчидан, марказда молиявий операциялар ва инвестицияларга тўсқинлик қилмайдиган, маблағларни самарали тақсимлаш имконини берувчи либерал солиқ ва ҳуқуқ тизими амал қилиши керак. Учинчидан, молиявий марказда банк, биржа ва суғурта тизимини ўз ичига олган, самарали назорат юритиладиган, ривожланган молиявий инфратузилма мавжуд бўлиши зарур.

Молия бозори ҳамда замонавий молиявий инфратузилманинг ривожланиши инновацион ривожланиш йўлига ўтишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Фақат шундай шароитдагина инвестиция фаолиятини фаоллаштириш ва инвестиция оқимларини ишлаб чиқариш, сўнгра эса юқори технологиялар соҳасига қайта йўналтириш мумкин бўлади. Замонавий молия бозорларининг асосий унсурларини яратмасдан туриб, иқтисодий ўсиш асосий омилларидан бири ҳисобланган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг киришига эришиб бўлмайди. Молия бозори фаолият кўрсатишининг асосий тамойилларига риоя этилиши давлатнинг тартибга солишга оид чора-тадбирлари билан бирга фонд биржалари ва бозор қатнашчиларининг бирлашмалари ишлаб чиққан қоидаларини уйғунлаштириш асосида таъминланади. Ўз навбатида, пулнинг капитал сифатида ишлаб чиқаришга сафарбар этилиши иқтисодий салоҳиятни кучайтиради, инновациялар, фан-техника тараққиётини жадаллаштиради ва шу асосда халқ фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади. Молия бозори иқтисодий тизимнинг ҳал қилувчи қисмидир. Бу иқтисодни қўзғатувчи восита бўлиб, ортиқча бирликлар танқислик бирликларини қондирадиган ва ҳар хил молиявий келишувлар бўйича музокаралар



олиб борадиган майдончадир. Шу сабабли молия бозорини ривожлантиришнинг мақсади молия бозорининг воситачи сифатида самарали ишлаш қобилиятини оширишдир. Самарали молиявий бозор - бу чуқурлик ва кенгликдир, яъни таъминот томонида, активларга талабнинг барча синфларини қондириш учун эмитентлар, кредит таваккалчиликлари ва бошқаларни таклиф этувчи кўплаб молиявий воситалар мавжуд.

Бундан ташқари, эмитентлар ва инвесторлар ўртасидаги яхши хилма хиллик одатда бозор нуқтаи назарини уйғунлаштиради, молиявий активларни фаол алмашинувига олиб келади. Юқори ликвидли молия бозори, энг кам нарх таъсирига эга бўлган йирик ва хилма-хил молиявий воситаларни чиқаришни таъминлай олади. Бу ерда молиявий воситаларни мақбул нархда тезда алмаштириш мумкин. Самарали клиринг ва ҳисоб-китоблар тизими операциялар нархини пасайтиришга ёрдам берадиган асосий омил ҳисобланади.

2-жадвал. Халқаро молия бозорининг таркибий тузилиши ва унинг шаклланиш босқичлари

Босқичлар	Йиллар	Халқаро молия бозорининг таркибий ўзгаришлари
Биринчи босқич	1860 йиллар	Ташқи савдонинг ривожланиши. Халқаро олтин-валюта бозоринг пайдо бўлиши
Иккинчи босқич	1950 йиллар	Миллий кредит бозорларидаги операцияларнинг байнамиллашуви
	1960 йиллар	Халқаро кредит бозорининг шаклланиши
Учинчи босқич	1970 йиллар	Узоқ муддатли капиталлар халқаро бозорининг шаклланиши. Миллий фонд бозорларининг эркинлаштирилиши. Халқаро фонд бозорининг шаклланиши
	1980 йиллар	Трасмиллий банклар ва компанияларнинг жадал суръатларда ривожланиши. Халқаро фонд бозорларининг янада кенгайиши. Халқаро суғурта бозоридаги дастлабки тизимли операцияларнинг амалга оширилиши. Халқаро кредит бозоридаги операцияларнинг ривожланиши
Тўртинчи босқич	1990 йиллар	Халқаро молия бозори фонд сегментининг жадал ривожланиши. Халқаро деривативлар бозорининг шаклланиши
	2000 йиллар	Халқаро деривативлар бозорининг жадал ривожланиши

Мамлакатдан четга чиқарилган капиталлар халқаро молия бозори орқали дунёнинг қолган мамлакатларига қайта тақсимланди. Халқаро молия бозори халқаро капиталларга бўлган талаб ва таклиф шаклланадиган, баҳо бериладиган, жаҳон иқтисодиётнинг молия секторида халқаро молиявий активлар олди-сотди қилинадиган соҳадир.

Бир мамлакат молия бозоридаги салбий ва ижобий ўзгаришларни бошқа бир мамлакат молия бозорига таъсири молия бозорининг глобаллашув даражасига боғлиқ бўлиб, бу жараён миллий фонд бозорини халқаро фонд бозорига интеграциясини таъминловчи воситалар орқали амалга оширилади ва уларнинг нечоғлик ривожланганлигини ўзида намоён этади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро молия бозорининг сегментлари тадрижий равишда муайян босқичларда шаклланган (2-жадвал). Мазкур бозор тараққиётининг охириги босқичида фонд сегменти ва халқаро деривативлар бозорлари жадал ривожланган.

Халқаро капиталнинг асосий шакллари сифатида расмий капитал– давлатлараро ташкилотлар ва ҳукумат қарорлари асосида давлат бюджети маблағларини чет элдан қабул қилиш ёки чет элда жойлаштиришдир. Хусусий капитал - хусусий юридик шахслар (фирма, корхона,



ташкилот, банклар ва бошқалар)нинг маблағларини уларнинг бошқарув органларининг қарорлари асосида чет элларда жойлаштиришдир. Халқаро капитал ҳаракатида ссуда капитали икки хил кўринишда: ўрта, узоқ муддатли ҳамда қисқа муддатли халқаро капитал қўйилмалар шаклида намоён бўлади. Халқаро капитал ҳаракатида ссуда капиталининг қисқа муддатлиси афзал ҳисобланади. Ссуда капиталининг шартлари ўзгарувчанликка мойиллиги камлиги учун мамлакатда иқтисодий муҳит ўзгара бошласа, ушбу капиталнинг иқтисодий риск даражасининг ошиши, уни қисқа муддатли бўлишини маъқул қилиб кўрсатади.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларнинг ноаниқлиги ортиши ҳисобига халқаро капитал ҳаракати секинлашган. Халқаро капитал таркибида қарз капитали ҳаракатининг устунлиги сақланиб қолмоқда. Мамлакатнинг молия бозорини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб етишга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса

Молиявий глобаллашув шароитида молия бозорининг ривожлантиришнинг асосий мақсади ишлаб чиқарилган товарларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, истеъмолчиларни жаҳон талабларига мос келадиган товарлар билан таъминлаш ва мамлакатнинг монетар сиёсати барқарорлигини таъминлашдир. Мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантириш борасидаги чоратadbирларда ушбу бозорни ривожлантиришнинг яхлит стратегиясини шакллантириш, унинг самарали инфратузилмаси шаклланишида кўмаклашиш ҳамда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган амалий ҳаракатларни фаоллаштириш, корпоратив бошқарув тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, капитал бозорини тартибга солиш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш каби масалалар алоҳида устуворлик касб этиши лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш учун катта ҳажмдаги инвестициялар зарур бўлади. Инвестицияларни эса молия бозори ва қимматли қоғозлар бозори орқали олиб келиш мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг иқтисодий ўсишида молия бозори ва қимматли қоғозларнинг роли ниҳоятда каттадир.

Хусусан, мамлакатимиз молия бозорининг юқори суръатлар билан барқарор ривожланишини таъминлаш, халқаро молия муносабатларини эркинлаштириш, ушбу соҳаларнинг инновацион тараққиётини таъминлаш борасида Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Edward E. Leamer. *Macroeconomic Patterns and Stories*. Los Angeles CA 90095-1481. p. 158.
2. <https://www.finversia.ru/publication/mirovoi-fondovyi-rynok-rubezh-v-109-trln-vzyat-134723>
3. Михайлов Д.М. *Мировой финансовый рынок: тенденции и инструменты*. – М.: Издательство «Экзамен», 2000. – С.150.
4. <https://www.statista.com/statistics/710680/global-stock-markets-by-country/>
5. Слепова В.А., Звоновой Е.А. *Международный финансовый рынок*. – М.: Магистр, 2009.
6. Хожиматов Р.Х. *Халқаро молия бозори: назарий қарашлар ва умумий тавсиф*. “Иқтисодийот ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналі. № 3, май-июн, 2015-йил.
7. Vahobov A. Jumayev N., Burxonov U. *Халқаро молия муносабатлари*. Darslik.-Т.: “Sharq”, 2003.
8. Ataniyazov J.X., Alimardonov E. D. *Халқаро молия муносабатлари*. Darslik. Т.:“O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti” 2014. -333 b
9. Л.Н. Красивиной. *Международные валютно-кредитные и финансовые отношения*. / Под ред. -3-е изд., перераб. и доп. – М: Финанси и статистика, 2005. - 576 с: ил. стр. 295. (L.N.



- Krasavina. International monetary and financial relations. M.: Finance and Statistics, 2005. - 576 with: П. p. 295.)
10. Новиков А.В., Новикова И.Я. Финансовые центры: рейтинги и российский потенциал // ЭКО. 2010. ¹ 8. стр. 139-142. (Novikov A.V., Novikova I.Ya. Financial centers: ratings and Russian potential // ECO. 2010. No. 8. pp. 139-142.)
 11. Красавиной Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – М.: Финансы и статистика, 2007. – С.289
 12. Уткин В.С. Международный финансовый центры и их роль в развитии мировой экономики. Аналитический обзор. - М.: Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации. 2012 г. с. 444. стр. 236. (Utkin V.S. International Financial Center and their role in the development of the world economy. Analytical review. - М.: Financial University under the Government of the Russian Federation. 2012 with. 444. p. 236)

